2016 ЙИЛ 7 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми


Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 73 (13.136)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Даврон Аҳмад олган сурат

"Ташаббус – 2016"

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ТАШАББУСКОРЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти совғини учун "Ташаббус – 2016" кўрик-танловининг республика босқичи якунланди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган анъанавий "Ташаббус" кўрик-танлови 20 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши ва "Ҳунарманд" уюшмаси томонидан вазирлик ва идоралар кўмагида ташкил этилди.

Тадбиркорларнинг ҳар йили ўтказилаётган ушбу ташаббус марафони халқимизнинг ҳар бир оила, бутун юртимиз фаровонлиги учун интилаётганидан далолат беради. "Ташаббус – 2016" кўрик-танлови ҳам буни ёрқин тасдиқлади. Танловда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида, ички бозорни сифатли товар ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш ҳамда бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нечоғли муҳим ўрин тутиши намоён бўлди.

Ушбу форумда иштирок этиш истагида бўлганлар сони йилдан-йилга ортиб бораётгани унинг аҳамияти ва қўлами кенгайиб бораётганидан далолат беради. Масалан, жорий йилда ушбу танловнинг туман ва шаҳар босқичларида 7 минг 700 дан зиёд тадбиркор, фермер ва ҳунарманд қатнашди. Уларнинг 540 нафардан ортиғи ҳудудий босқичларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ҳакамларнинг юқори баҳоларига сазовор бўлган 41 иштирокчи "Ташаббус – 2016" кўрик-танловининг мамлакат босқичига йўлланма олди.

"Туркистон" саройида ташкил этилган экспозицияда озиқ-овқат маҳсулотлари, тиббиёт препаратлари, маиший техника, либослар, мебель маҳсулотлари, заргарлик безаклари, гиламлар, қурилиш материаллари ва бошқа кўплаб маҳсулотлар тақдим этилди. Ҳар бир экспонент стендида тадбиркорлик фаолиятининг ютуқлари ва имкониятлари намойиш қилинди.

Қорақалпоғистонлик тадбиркор Муротбек Танирбергенов улардан бири. Унинг 2009 йилда фаолият бошлаган "Muratbek Mebel" корхонасида уй ва офис учун юқори сифатли ва замонавий дизайндаги мебель ишлаб чиқарилмоқда. 2015 йилда маҳсулот турини кўпайтириш мақсадида Италия ва Германиядан махсус ускуналар келтириб ўрнатди. Бу эса ISO 9001-2015 халқаро сифат стандартига эга бўлиш имконини берди.

– 2014 йилда қиймати 2,4 миллиард сўмлик мебель ишлаб чиқардик, – дейди М.Танирбергенов. – Ўтган йили бу кўрсаткич 3,4 миллиард сўмдан ошди ва бу йил сайин ривожланиб бораётганимиздан далолат беради. Бундай самарадорликка Президентимизнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаётгани, мамлакатимизда бизнес юритиш учун янада қулай шароитлар яратилгани, имтиёз ва преференциялар берилаётгани туфайли эришмоқдамиз.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига самарали фаолият кўрсатиши учун кенг имкониятлар яратилган. Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида хусусий сектор улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан ўтган йили 56,7 фоизга етди. Айни пайтда саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи иқтисодиётимизнинг ушбу секторида ишлаб чиқарилаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги имкониятларни янада кенгайтирди.

(Давоми 2-бетда)

Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги олдидан

ХАЛҚИМИЗ ҒУРУРИ ВА ҚУДРАТИНИНГ ТИМСОЛИ

Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги кенг нишонланадиган йилга тўғри келганида ҳам рамзий маъно бор. Зеро, элни қарамлик исканжасидан халос этган, кучли марказлашган давлатга асос солган Соҳибқирон бугун халқимизнинг ғурур-ифтихори, беқиёс қудрати тимсолига айланган.

Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди раиси Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ ЎзА мухбирига ушбу сана арафасида фонд томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди:

– Амир Темур халқимиз даҳосининг ёрқин тимсолидир. Миллий давлатчилигимиз тарихини чуқур ўрганиш ва холисона тадқиқ этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида Амир Темур шахси, унинг жаҳон тарихидаги ўрни, халқимиз, Ватанимиз олдидаги хизматлари қадр топди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1993 йили пойтахтимизда Амир Темур ҳайкали ўрнатилди. 1996 йилда Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Амир Темур хиёбонига туташ ҳудудда Темурийлар тарихи давлат музейи барпо этилди. Шу йили Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди ташкил этилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, тарихимизда Амир Темурдай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўгитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасликка, таърифламасликка, тарғиб қилмасликка ҳаққимиз йўқ. Бинобарин, улуғ аждодимизнинг ўзи яшаган замонга, шу даврда Осиё ва Европа қитъаларида рўй берган, жуда катта тарихий аҳамиятга молик ўзгаришларга олиб келган воқеа-ҳодисаларга ҳал қилувчи таъсири, унинг бу жараёнлардаги роли наинки тарихчи ва сиёсатчилар, ҳарбий илм мутахассислари, бадиий ижод аҳли, балки кенг жамоатчиликнинг диққат-эътиборини ҳали-ҳамон ўзига жалб этиб келмоқда.

Собиқ тузум даврида буюк Соҳибқирон номига ва унинг фаолиятига, фан, маданият, бунёдкорлик соҳасидаги ва бошқа жабҳалардаги оламшумул ишларига бир ёқлама баҳо берилди.

Шукрки, истиқлолга эришганимиздан кейин Президентимиз раҳнамолигида жаҳон тамаддунида муносиб из қолдирган кўплаб алломаларимиз қатори Амир Темур номи, шаъну шавкати ва мероси ҳам қайта тикланди.

...1996 йил 8-9 апрель кунлари "Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни" мавзуида Қарши шаҳрида бўлиб ўтган фонднинг биринчи конференцияси иштирокчиларининг юзларидаги мамнунлик, қалбларидаги ҳаяжон ҳали ҳам кўз ўнгимизда. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, Амир Темур шахсини идрок этиш – тарихни идрок этиш демакдир. Амир Темурни англаш – ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш – тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизни, ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Мамлакатимиз ҳудудида олиб борилган археологик қазилмалар пайтида Амир Темур ва темурийлар даврига оид ноёб ашёлар топилмоқда. Масалан, Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидан, Сирдарё соҳилидаги қадимий Шоҳруҳия қалъаси вайроналаридан кўплаб кулолчилик, мисгарлик, шишасозлик ашёлари топилган. Уларнинг орасидаги пўлат совут ва дубулға бўлаклари темурийлар даври ҳарбий санъатини ўрганишда муҳим ўрин тутади.

Темурийлар тарихи давлат музейи билан ҳамкорликда чет элларда сақланаётган ноёб маданий ёдгорликларимизни юртимизга қайтариш, нусхаларини яратиш борасида ҳам изчил ишлар амалга оширилаётир. Жаҳоннинг кўплаб давлатларида ўтказилаётган халқаро кўргазмаларда Темур ва темурийлар даврига оид нодир экспонатлар билан фаол қатнашаяпмиз. Бу мамлакатимизнинг бой тарихи, қадимий маданияти ва буюк аждодларимиз меросини хорижда ҳам кенг тарғиб этишга хизмат қилаётир. Франция, АҚШ, Германия, Австралия каби мамлакатларда ўтказилган ана шундай кўргазмалар халқаро жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

(Давоми 3-бетда)

ТОБИАС ЭЛЛВУД:

ЎЗБЕКИСТОН – БУЮК БРИТАНИЯ ҲАМКОРЛИГИ КЎПЛАБ СОҲАЛАРДА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Буюк Британия Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим савдо-иқтисодий ҳамкорларидан биридир. Мамлакатларимиз ўртасида имзоланган қатор ҳужжатлар, жумладан, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик, даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф этишга, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ҳамда ҳимоя қилишга, иқтисодиёт, таълим, фан ва маданият, ҳаво транспорти, сайёҳлик соҳаларига оид битимлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ЎзА мухбири мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган **Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари бўйича вазири ўринбосари Тобиас ЭЛЛВУД** билан мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари ҳақида суҳбатлашди.

– Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорлик кўплаб йўналишларда изчил ривожланмоқда, – деди Тобиас Эллвуд. – Мамлакатингизга ташрифимдан асосий мақсад ўзаро муносабатларни янада фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама этишдан иборат.

Ташриф доирасида қатор вазирлик ва идораларда минтақавий хавфсизлик ва бошқа масалалар юзасидан музокаралар ўтказдик. Ўзбекистон парламенти фаолияти билан танишув менда катта қизиқиш уйғотди. Учрашувлар чоғида савдо-иқтисодий имкониятлар, Британия Кенгаши ҳамда "Chevening" стипендия дастурининг таълим соҳасига кўмаги ҳам муҳокама қилинди.

Мамлакатингизда иш юритаётган британиялик бизнес вакиллари фаолияти билан танишганимдан, Тошкентдаги халқаро Вестминстер университети талабалари, "Chevening" стипендияси соҳиблари билан мулоқот қилганимдан мамнунман. Ўзбекистон келажаги бўлган истеъдодли ёшлар кишининг ҳавасини келтиради.

Ўзбекистон билан Буюк Британиянинг ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш имкониятлари кенг. Ўйлайманки, ўтказилган учрашувлар икки томонлама муносабатларнинг янги қирраларини кашф этиш, ўзаро ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришга ҳисса бўлиб қўшилади.

– Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ҳамкорликнинг, жумладан, савдо-иқтисодий муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида фикрларингизни баён қилсангиз.

– Ўзбекистонда Буюк Британиянинг қатор компаниялари иш юритаётгани қувонарлидир. Улар сафини кўпайтириш учун барча имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида бу масала бўйича фикр алмашдик.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғона вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида "Амир Темур – буюк давлат арбоби" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Анжуманда буюк аждодимизнинг миллий ўзлигимизни англашдаги ўрни ва аҳамияти, Амир Темурнинг миллий давлатчиликни шакллантириш борасида амалга оширган ишлари мавзуларида маърузалар тингланди.

● Урганчда олий таълим муассасалари талабалари ўртасида "Солиқ билимдонлари" республика кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди.

● Нукусда болалар қўшиқлари ва шеърларини яратиш бўйича ижодий танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар, Бастакорлар уюшмалари ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда элликка яқин иқтидорли ёшлар иштирок этди.

● Андижонда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловларининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли мавзусида ўқув семинари ўтказилди.

● Сирдарё вилояти Янгиер шаҳрида футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари тарбияланувчилари ўртасидаги республика мусобақасининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Унда Сирдарё, Андижон, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё ҳамда Фарғона вилоятлари ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари тарбияланувчилари ғолиблик учун ўзаро баҳслашди.

ЖАҲОНДА

● Кипр маъмурлари EgyptAir авиакомпаниясига қарашли самолётни олиб қочган жиноятчини Мисрга қайтаришга рози бўлишди.

● Филиппинда илк бор болаларни безгакка қарши оммавий эмлаш жараёни бошланди. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлигининг дастурига мувофиқ, эмлаш жараёни дастлаб пойтахтда, шунингдек, учта йирик ҳудудда амалга оширилади ва ушбу мақсадлар учун 76 миллион долларга яқин маблағ ажратилган.

● Футбол орқасидаги офшорлар тўғрисидаги матбуотда эълон қилинган мақолалардан сўнг ФИФА бу борадаги текширув ишларини бошлади.

● Кеча Тинч океанида жойлашган Вануату мамлакатида 7,2 балли ер қимирлаши рўй берди. Зилзила маркази Луганвилл шаҳридан 140 километр шимолда қайд этилган бўлиб, унинг ўчоғи 40 километр чуқурликда жойлашган. Ҳозирча жабрланганлар ва вайронагарчиликлар ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.



Ислом Исмоилов олган сурат

Қўшма корхоналар

СИФАТЛИ ВА ЛАЗЗАТЛИ ШИРИНЛИКЛАР

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган фаол инвестиция сиёсати чет эллик сармоядорлар билан ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Пойтахтимизда фаолият юритаётган "Lazzat Karamel" Ўзбекистон – Швейцария қўшма корхонаси бунга ёрқин мисолдир. Мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити ва ишлаб чиқариш жараёнининг замонавий технологиялар асосида ташкил этилгани самарасида ушбу корхона қисқа фурсат ичида мижозларнинг севимли брендларидан бирига айланди.

2011 йилда ташкил этилган мазкур корхона маҳсулотлари сифат сертификатларига эга, ISO 9001:2008 халқаро стандартига мос. Қўшма корхона мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиладиган "Озиқ-овқат саноати – WorldFood Uzbekistan" халқаро кўргазмасида фаол иштирок этиб, маҳсулотларини истеъмолчиларга кенг таништирмоқда. Истиқболли шартномалар тузиб, харидорлар сафини кенгайтирмоқда.

– Корхонамизда тайёрланаётган карамель, шоколад, вафли каби қандолат маҳсулотларининг сифати ва мазаси истеъмолчилар эътиборини қозонган, – дейди ЎзА мухбирига корхона бош директори Абдуллажон Иброҳимов. – Президентимиз раҳнамолигида тадбиркорларга яратилган қулай шароит ва имкониятлар муваффақиятларимиз омили бўлмоқда. Асосий мақсадимиз ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириб, ички ва ташқи бозордаги мавқени янада мустаҳкамлаш.

"Lazzat Karamel"да ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ошиб, маҳсулот тури кўпайиб бораётир. Корхонада дастлаб йигирмага яқин турдаги ширинликлар ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир олтмиш беш турдаги қандолат маҳсулотлари аҳолига етказиб берилмоқда. Жорий йилда 1200 тонна маҳсулот тайёрлаш, экспорт ҳажмини янада кенгайтириш режалаштирилган.

– Ўзбекистондаги озиқ-овқат соҳасига ихтисослашган корхоналарнинг сифатли маҳсулотлари халқаро стандартларга тўла жавоб беради, – дейди Таиланд қишлоқ хўжалиги ва кооперация вазирлигининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рағбатлантириш ва менежмент бюроси директори Ораса Диссатапорн. – Айниқса, "Lazzat Karamel"нинг қандолат маҳсулотлари хуштаъмлиги билан ҳавасимни тортди. Ширинликлар сифати, рақобатдошлиги ва табиийлиги билан ҳар қандай харидорга маъқул келади.

Қўшма корхонада бугунги кунда етмишдан зиёд ишчи меҳнат қилаётир. Улар учун зарур меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилган.

– Корхонамизда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ замонавий ускуналар ёрдамида бажарилади, – дейди технологик линия оператори Фаррух Саидов. – Бу коллежларда пухта билим олган ёшларнинг самарали меҳнат қилишида қўл келаётир.

Хорижий сармоядорлар билан амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига ва халқимиз фаровонлигининг янада юксалишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

(ЎзА)

ТОБИАС ЭЛЛВУД: ЎЗБЕКИСТОН – БУЮК БРИТАНИЯ ҲАМКОРЛИГИ КЎПЛАБ СОҲАЛАРДА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2015 йилда Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 105,7 миллион долларни ташкил этди. Ўзбекистондан Буюк Британияга 32,8 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди, Буюк Британиядан Ўзбекистонга 72,9 миллион долларлик товарлар импорт қилинди. Ўзбекистон бозорининг салоҳияти мазкур кўрсаткичларни янада ошириш имконияти катта эканидан далолат беради.

Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон – Буюк Британия кенгаши аъзолари икки томонлама савдо алоқаларини ривожлантириш йўлида самарали фаолият олиб бормоқда. 1994 йили ташкил этилган мазкур кенгаш мамлакатларимиз ишбилармонлари ҳамкорлигини янада кенгайтиришда муҳим роль ўйнамоқда. Кенгаш мажлислари Буюк Британия компанияларига Ўзбекистон бозори таклиф этаётган имкониятлар ва кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар билан яқиндан танишиш, фойдали мулоқот ва учрашувлар ўтказиш, ўзаро тажриба алмашиш имконини бермоқда. Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон – Буюк Британия кенгашининг сўнгги мажлиси Лондонда 2015 йил ноябрь ойида бўлиб ўтди. Ушбу анжуман савдо, иқтисодиёт ва саноат соҳаларида қатор истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича келишувларга эришиш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш имконини берди.

Ўзбекистонда иқтисодиёт соҳасини изчил ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларни мунтазам кузатиб бораман. Буюк Британия компаниялари Ўзбекистон тараққиётини бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлашда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишига ишонаман.

– Сизнингча, Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик қандай самаралар бермоқда?

– Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мамлакатларимиз ўртасида таълим ва маданият соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштиришга фаол ҳисса қўшмоқда. Уильям Шекспир таваллудининг 450 йиллиги муносабати билан "Ҳамлет" спектакли Ўзбекистонда британиялик ижодкорлар томонидан намойиш этилди. Ўзбек Миллий академик драма театрида ташкил этилган "Шекспир Ўзбекистонда", британиялик рассом ва ҳайкалтарош Генри Мур кўргазмалари ўзбекистонлик санъат мухлисларида катта қизиқиш уйғотгани қувонарлидир.

Британия Кенгаши Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда инглиз тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирлар халқларимизни янада яқинлаштиради, икки давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни изчил ривожлантиришга хизмат қилади.

Нодира МАНЗУРОВА суҳбатлашди

ИШБИЛАРМОНЛАР ХАЛҚАРО ХАРИДЛАРДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Пойтахтимизда "Тадбиркорлик субъектларининг халқаро ташкилотлар харидларида иштирок этишлари учун имкониятлар" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбир тадбиркорлик субъектларини халқаро ташкилотлар харидларига жалб этиш, уларнинг экспорт салоҳиятини янада оширишга қаратилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган тадбирда БМТ Тараққиёт дастури, Жаҳон банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Корея Республикаси халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA), Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи Н.Дадахонова, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори Ж.Мустафоев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожига яратилаётган имкониятлар самарасида уларнинг экспорт салоҳияти ошиб бораётганини таъкидлади. Тадбиркорлик субъектлари халқаро тендерларда муносиб иштирок этиб, халқаро ташкилотларнинг доимий етказиб берувчилари қаторидан ўрин олмоқда.

БМТ ва унинг тузилмалари бизнес субъектларини ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга кўмаклашишга қаратилган турли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Ўзбекистоннинг Жаҳон банки билан ҳамкорлиги "Давлатга кўмаклашув стратегияси" ҳужжатида акс этган ёндашувларга асосланган. Ҳар уч йилда ишлаб чиқиладиган стратегияда мамлакат иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари, иқтисодиётнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва Жаҳон банки томонидан кредитлаш, таҳлил, техник кўмак беришнинг устувор йўналишлари белгилаб олинади.

KOICAнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси Корея Республикаси ҳукуматининг беғараз кўмак ва техник ҳамкорлик дастурларини амалга ошириб келмоқда. Мамлакатимизда 1992 йилдан бери фаолият кўрсатаётган Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг пойтахтимиздаги бош ваколатхонаси билан бир вақтда Андижон ва Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида ҳудудий ваколатхоналари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Тадбирда мазкур ташкилотлар томонидан харидларни амалга ошириш, тендерлар ўтказиш жараёнлари тўғрисида тадбиркорлик субъектларига маълумот берилди. Иштирокчиларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Б.БОЗОРОВ, ЎзА мухбири

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

МАҲАЛЛА ФАОЛИЯТИДА ЯРАШТИРИШ КОМИССИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Маълумки кучли фуқаролик жамиятида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни муҳим ҳисобланади. Бу борада Республикамизда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун билан ўзини ўзи бошқаришнинг яхлит тизими яратилган.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг миллий модели бевосита демократия институти сифатида тан олинган бўлиб, Конституциянинг 105-моддасида қатъий белгилаб қўйилган. Бугунги кунда фуқаролар йиғинлари яраштириш комиссиялари бевосита ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, оилада ва маҳаллада тинч-осойишта, ҳамжиҳатликда яшашга кўмаклашиш, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини миллий ва маънавий қадриятларимизга таянган ҳолда кенг тарғиб этиш орқали маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга кўмаклашиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда яраштириш комиссияларининг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда республикамизда 3767 та милиция таянч пунктлари негизида ҳудудий профилактика инспекторлари 9810 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда.

Уларнинг 91,3 фоизи фуқаролар йиғинлари билан бир бинода жойлашган.

Эътиборлиси, республика бўйича ҳар бир маҳалла ва бошқа аҳоли турар жойларида милиция таянч пунктларининг фаолияти, улар негизида ички ишлар органлари соҳавий хизмат ходимлари, хусусан профилактика инспекторларининг маҳалла фуқаролар йиғинлари ва уларнинг ҳузуридаги диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, яраштириш комиссиялари, маҳалла посбонлари, улар билан ишлаш комиссиялари каби жамоат тузилмалари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳалла қўмиталарида яраштириш комиссиялари томонидан оилада ҳуқуқбузарликларни бартараф қилиш, эр-хотин ўртасида бузилган муносабатларни кўриб чиқиш, уларни яраштириш борасидаги ишлар ўз самарасини бермоқда.

Ушбу ҳамкорлик натижасида ўтган йиллар мобайнида қанчадан қанча оилавий можароларга, ажралишлар, низоли ҳолатлар, жанжаллар кўриб чиқилиб уларни муҳокама қилиш натижасида оилалардаги нотинчликларга барҳам берилмоқда. Мисол учун биргина Олмазор тумани "Шифокорлар" маҳалласида жойлашган 165-сонли милиция таянч пунктида бир бинода жойлашган маҳалла фуқаролар йиғини ҳузуридаги яраштириш комиссиясига 2015 йил давомида 8 дона ариза келиб тушган. Шулардан 3 таси яраштириш комиссияси ҳузурида комиссия раиси ва аъзолари иштирокида яраштирилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, профилактика инспекторларининг оилада содир этиладиган низоларнинг олдини олиш фаолиятини самарали ташкил этишда ҳуқуқбузарликлар содир этувчи жанжалкаш шахслар ва ноқобил оилаларни аниқлашга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга оширишда ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла жамоат посбони, хотин-қизлар қўмитаси раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича маслаҳатчилар, яраштириш комиссияларининг олдига аниқ вазифа ва топшириқлар берилиши керак.

Биз ушбу тизим фаолиятини ўрганган ҳолда бир неча тавсияларни айтиб ўтмоқчи эдик.

Биринчидан, оилавий жанжаллар оқибатида юзага келган эр-хотин, ака-ука, опа-сингил, ота-она ва фарзанд, қайнона ва келин, қўни-қўшнилар ўртасида бузилган муносабатларни тиклаш чораларини кўриш; *иккинчидан,* ҳар бир аниқланган оила — турмуш муносабатлари доирасидаги жанжаллар бўйича қонуний чора кўрилишини таъминлаш; *учинчидан,* оилавий жанжаллар сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш; *тўртинчидан,* оилада миллий қадриятларимизга зид ҳолда ахлоқ-одоб доирасида ножўя хатти-ҳаракатларга йўл қўяётган шахсларни, айниқса аёлларни аниқлаш ва уларга нисбатан тегишли чоралар кўришда фуқаролар йиғинларига кўмаклашиш; *бешинчидан,* ички ишлар органларининг ҳисобда турган, айниқса илгари судланган, оилада ва турмушда мунтазам равишда ҳуқуқбузарликка йўл қўювчи шахслар билан профилактик иш олиб боришда иштирок этиш лозим. Ахир ҳар қандай раҳбар, ҳар қандай кенгаш ва ҳар қандай мустақил киши халқ олдида, юрт олдида масъул ва жавобгардир.

Ҳусан ҲАСАНОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 4-ўқув курси 414-гуруҳ тингловчиси

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ТАШАББУСКОРЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сурхондарёлик Хушбоқ Эшназаров ҳам мамлакатимизда яратилган шароитлардан унумли фойдаланиб келаётган фермерлардан. Унинг кўп тармоқли "Нурмат Хўжақулов" фермер хўжалигида пахта, ғалла етиштириш билан бирга, қорамол, парранда парваришланмоқда. Интенсив олма боғи, бодринг, помидор ва лимон етиштириладиган иссиқхоналар барпо этилган. Бундан ташқари, сутни қайта ишлаш ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Фермер ўз маҳсулотларини "Туркистон" саройида кенг намойиш қилди. Хўжалик ютуқлари билан қизиққан иштирокчилар бизнес юритиш борасида тажриба алмашди. Бундай салмоқли ютуқларга қандай эришдингиз, деган саволга фермер шундай жавоб берди:

– Саховатли заминимиз фаровонлигимиз манбаидир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ердан унумли фойдаланиш учун барча ҳуқуқий ва иқтисодий шароитлар яратилган. Айнан шу боис бугун биз нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш, балки пешона теримиз билан етиштирилган ҳосилни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотни экспорт қилиш имкониятига ҳам эгамиз. Илгари булар ҳақида ҳатто орзу ҳам қилолмас эдик.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида кенг кўламли таркибий ўзгаришлар рўй берди. Ҳозирги кунда фермер хўжаликлари ҳақли равишда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи бўғини ва уни ташкил этишнинг асосий шаклига айланди. Фермерларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли ҳар йили мўл ҳосил етиштирилмоқда. Масалан, 2015 йилда 7,5 миллион тоннадан зиёд ғалла, 3,5 миллион тоннадан ортиқ пахта, 12,5 миллион тоннадан ортиқ сабзавот, 1,8 миллион тонна полиз маҳсулотлари ва 2,7 миллион тоннадан зиёд мева йиғиштириб олинди.

Ҳунармандларнинг ранг-баранг стендлари "Ташаббус – 2016" кўрик-танловига келганларнинг алоҳида эътиборини тортди. Халқ усталари томонидан яратилган ноёб буюмларни кўриб, уларнинг бадиий фантазияси ва маҳоратига қойил қоласиз. Бу ерда Шарқ миниатюраси асарлари, ёғочдан ясалган, сопол буюмлар, заргарлик безаклари, болалар каравоти ва бешиклар, бошқа кўплаб турли маҳсулотларни кўриш мумкин.

– Илгари ҳунармандлар турли тақиқлар сабабли уйида яширинча ишлашга мажбур эдилар, – дейди Тошкент вилоятидан Муроджон Ўрмонов. – Бошқача айтганда, эркин фаолият юритиш, истеъдод ва ижодий салоҳиятни намойиш қилиш учун шароит йўқ эди. Мустақиллик туфайли маҳсулотларимизни эркин ишлаб чиқариш, сотиш, ҳатто халқаро кўргазмаларда қатнашиш имкониятига эга бўлдик. Ўтган йили 45 миллион сўм соф даромад олдим ва бу кўрсаткич янада ошишига ишонаман. Негаки, катта режалар тузганман.

Ҳа, бугун тадбиркору ҳунармандларимиз шундай истиқболли режаларга эга. Зеро, Ўзбекистонда маданий анъаналаримизни асраб-авайлаш ва янада ривожлантириш, халқ усталарини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни Наврўз кунлари тадбиркорлар ўзининг хилма-хил сифатли маҳсулотлари, бежирим ва нодир буюмларини намойиш этгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Бу эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ижтимоий ривожланиб бораётганидан далолат беради ва бошқа юртдошларимизни ҳам ўз ишини йўлга қўйишга ундайди.

Анъанага кўра, "Туркистон" саройида "Ташаббус – 2016" кўрик-танлови ғолибларининг номи тантанали равишда эълон қилинди.

Ғолиблар учта асосий – "Йилнинг энг яхши тадбиркори", "Йилнинг энг яхши фермери" ва "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" йўналишлари, шунингдек, "Йилнинг энг ёш тадбиркори", "Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли", "Энг яхши инновацион лойиҳа", "Ёшлар учун энг кўп иш ўринлари ташкил қилган тадбиркор", "Менинг Ватаним – менинг фахрим", "Энг яхши оилавий бизнес соҳиби", "Озиқ-овқат саноатида йилнинг энг яхши тадбиркори", "Йилнинг энг яхши маҳсулоти", "Йилнинг энг яхши экспортчиси" ва "Энг яхши масъулиятли ижтимоий шерик" каби қўшимча номинациялар бўйича аниқланди.

"Йилнинг энг яхши тадбиркори" номинациясида Наманган вилоятидан "Aisha Home Textile" қўшма корхонаси раҳбари Жобир Камолиддинов ғолиб бўлди. Мазкур корхона тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Тошкент вилоятидан Исматилла Дадабоев "Йилнинг энг яхши фермери" деб топилди. Унинг раҳбарлигидаги хўжаликда пахта ва ғалла етиштирилади, қорамол ва парранда парвариш қилинади, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қайта ишланади.

Тошкент шаҳридан Мадина Қосимбоева "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" деб эълон қилинди. У каштачилик ва сўзана маҳсулотлари ишлаб чиқаради.

– Бундай нуфузли танловда ғолиб бўлиш катта шараф, – дейди 2016 йилнинг энг яхши тадбиркори Жобир Камолиддинов. – Рақобат жуда кучли бўлди. Чунки, кўрик-танловда энг муваффақиятли ва истиқболли тадбиркорлар қатнашди. Юртимизда бундай уддабурон ва ташаббускорлар кўп ва улар турли соҳаларда фаолият юритмоқда. Истиқболга белгилаган режаларимиз талайгина, жумладан, халқаро бозорга чиқишни мўлжаллаяпмиз. Шу боис янада кўпроқ меҳнат қилиб, менга кўрсатилган ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов иштирок этди.

Мехрибон МАМЕТОВА, ЎзА мухбири

Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги олдидан



Биз бундан роппа-роса 20 йил илгари ҳам Соҳибқирон бобомиз руҳини шод қилиб, у зот таваллудининг табаррук тўйини бутун мамлакатимизда, шунингдек, нуфузли халқаро ташкилот – ЮНЕСКО шафелигида дунё миқёсида кенг нишонлаган эдик. Бугун Амир Темур хиёбонига кўрк ва салобат бағишлаб турган Темурийлар тарихи давлат музейи ўша даврда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита ташаббуси билан бунёд этилган.

СОҲИБҚИРОН БОБОМИЗНИНГ ЖАҲОН ТАРИХИДАГИ ЎРНИ – БЕҚИЁС ВА УЛУҒВОР

Ер юзида музейлар кўп. "Дунё музейлари" номли китобда ҳозирги кунда 202 мамлакатда 55 мингта музей борлиги қайд этилган. Аммо Соҳибқирон бобомиз ва шавкатли авлодларига бағишлаб бунёд этилган бундай бетакрор муҳташам кошона, чиндан ҳам дунёда ягонадир.

Истиқлол йилларида Темурийлар тарихи давлат музейи мамлакатимизнинг етакчи маърифат масканларидан бирига айланди. Музей ўз экспонатлари билан халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, ўзбек халқининг бой моддий ва маънавий меросини жаҳонга тарғиб қилиб келмоқда.

Бугунги кунда ушбу музей хазинасида "Давлат ноёб илмий объектлари" рўйхатига киритилган 3 мингдан ортиқ ашёлар сақланади. Булар орасида Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид нодир қўлёзмалар ва ёзишмалар, қадимий китоблар ва тангалар, ранг-баранг этнографик буюмлар, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон тарихини ўзида яққол акс эттирадиган ноёб экспонатлар бор.

Ўтган даврда музейга Франциядаги Лувр музейи томонидан Амир Темур сиймосининг нусхалари, Эрон элчихонасидан Амир Темур ва темурийларнинг қўшни давлат ҳукмдорлари билан ёзишмалари, Ҳиндистон элчихонасидан бир нечта тарихий қўлёзма саҳифалари нусхалари совға қилинган.

Шунингдек, Покистон, Хитой элчихоналари, Малайзия, Қозоғистон, Россия, Грузия, Туркия ва бошқа давлатлардан тақдим этилган совғалар музей хазинасини янада бойитди.

Соҳибқирон аждодимизнинг бугунги қутлуғ тўйи муносабати билан музейда Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишланган китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Нега деганда, Амир Темур феномени олти асрдан буён жаҳон жамоатчилигини мафтун этиб келмоқда. Бу – бежиз эмас. Зеро, Амир Темурнинг жаҳон тарихидаги ўрни беқиёс, ниҳоятда аҳамиятли ва улуғвордир.

Мисол учун, Амир Темур Шарқ ва Ғарбни боғлаб турган Буюк Ипак йўлини тиклаган. Ўнлаб давлатлар билан ўзаро элчиликлар ва дипломатик мактублар алмашиб, савдо-сотиқни жадал равожлантирган. Замонавий тилда айтганда, 27 та давлатни ўзида бирлаштирган улкан салтанати билан жаҳондаги бошқа мамлакатлар ўртасида эркин савдо ҳудудлари, яъни ягона геосиёсий майдон барпо этишга интилган.

Амир Темур ўз салтанатида инсонпарварлик ва бағрикенглик амал қилиши тарафдори бўлган. Улуғ аждодимиз инсонларнинг тили, ирқи, диний мансублиги ёки қариндош-уруғчилиги ва бой-камбағаллигига қараб эмас, балки шижоати ва мардлиги, олижаноблиги ва адолатпарварлиги, иқтидори ва ташаббускорлигига қараб қадрини жойига қўйган.

Бугун дунёда Амир Темур обод этган қадимий ва навқирон икки шаҳар – азим Самарқанд ҳамда кўҳна Кеш (Шаҳрисабз) ЮНЕСКОнинг бутун дунё маданий мероси рўйхатидан жой олган. Шу далилнинг ўзиёқ бетакрор бўлиб, дунёда бир давлат арбоби бунёд этган иккита шаҳар ЮНЕСКО рўйхатига киритилган бошқа ҳолат мавжуд эмас!

Бундай мисолларни яна узоқ давом эттириш мумкин. Муҳими шундаки, ҳалигача жаҳон тарихида бирон-бир жаҳонгир, биронта ҳукмдор бу қадар оламшумул натижаларга эришган эмас.

Шунинг учун ҳам Шарқ ва Ғарбда ўтган 600 йиллик даврда Амир Темур шахсига бағишланган минглаб илмий, тарихий ва адабий-бадиий асарлар яратилган ҳамда яратилмоқда.

Яқинда чоп этилган "Амир Темур Ғарб адиблари нигоҳида" номли китоб – Кристофер Марло, Георг Фридрих Гендел, Йоҳанн Волфганг Гёте, Эдгар Аллан По, Хорхе Луис Борхес, Иван Бунин, Люсьен Керен каби атоқли адиблар Амир Темур ҳақида ёзган сара асарлар намуналаридан иборат ўзбек тилидаги энг янги тўпламдир.

Айни соҳада олдимизда кўп ишлар турибди. Чунки ўтган асрларда биргина Ғарб мамлакатларида Амир Темур ҳақида яратилган саҳна асарларининг ўзи 60 дан зиёдни ташкил этади. Шеър ва достонлар, қисса ва романлар, шу каби бошқа кўплаб ижод маҳсуллари ҳам беҳисобдир.

Албатта, Испания қиролининг элчиси Руи Гонсалес де Клавихо каби моҳир дипломат ва сайёҳлар, олиму адибларнинг ҳам бу борада муносиб хизматлари бор.

Хусусан, Европа аҳли XV асрдаёқ Марказий Осиёдаги ўзгача ажиб маданияти ва бой маънавияти, намунали давлатчилиги ва ноёб меъморий обидалари, нафис санъати ва адабиёти, илмий ва техникавий ихтиролари билан машҳур афсонавий диёримизни ҳамда шундай муаззам салтанатнинг ҳукмдори Амир Темур сиймосини биринчи навбатда Клавихо ёдномаларини ўқиш асносида кашф қилганлар.

Маълумки, ҳозирги вақтда миллий-маданий меросимизнинг Амир Темур ва темурийларга оид ноёб намуналари Буюк Британия, Германия, Дания, Туркия, Франция, АҚШ, Саудия Арабистони, Россия, Ҳиндистон каби кўплаб давлатларнинг йирик музейлари ва кутубхоналарида ҳам мавжуд.

Айниқса, шу борада Париждаги Лувр музейи, Санкт-Петербургдаги Давлат Эрмитажи, Лондондаги Британия музейи ҳамда Виктория ва Альберт музейи, Истанбулдаги Тўпқопи саройи музейи ҳамда Турк ва ислом асарлари музейи, Берлиндаги Амалий санъат музейи ва Берлин давлат кутубхонаси, Копенгагендаги Миллий музей, Нью-Йоркдаги Метрополитен санъат музейи ҳамда Сан-Франциско шаҳридаги Осиё санъати музейини алоҳида санаб ўтиш мумкин.

Бу ҳақда сўз борганда, ўз даврида юртимиздан четга олиб чиқиб кетилган осори атиқалар, архив ҳужжатларини ўрганиш, уларни ортга қайтариш масалалари истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб Президентимизнинг доимий эътиборида турганини таъкидлаш лозим.

Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг 1996 йил апрель ойида Парижга ташрифи чоғида Франциянинг ўша вақтдаги Президенти Жак Ширак Ислом Каримовга тақдим этган Амир Темурнинг 1402 йил Франция Қироли Шарль VI га йўллаган номаси музейдаги энг ноёб тарихий ҳужжатлардан ҳисобланади.

Барча мухлисларни, шу жумладан, хорижлик меҳмонларни олти асрдан узоқ тарихга эга ана шу қадимий мактубни ўз кўзлари билан кўриб, таассуротларини энг яқин кишилари билан баҳам кўришни тавсия этаман. Зотан, биз – ўзбекистонликлар чет эллик дўсту ҳамкорларимизнинг мамлакатимиз ва халқимизнинг кўҳна тарихига алоҳида қизиқишларини, шунингдек, ўзаро самимий муносабатларимизни юксак қадрлаймиз.

Соҳибқирон бобомизнинг Франция Қиролига йўллаган ўша мактубида таъкидланганидек: **"Сизнинг савдогарлар биз томонга келсинлар ва биз уларни иззат-икром билан кутиб олайлик ва бизларнинг савдогарларимиз Сизлар томонга бориб, ўз иззат-икромларини топсинлар. Токи ҳеч ким уларга зўрлик қилмасин ва ортиқча солиқ солмасин. Ахир дунёни савдогарлар фаровон қиладилар. Буюклигингизга узоқ йиллар саодат ёр бўлсин".**

Барчамизни Соҳибқирон Амир Темурнинг ўлмас руҳлари ҳамиша қўлласин ва эзгу ишларимизда мададкор бўлсин!

Акмал САИДОВ,
профессор

Тошкент шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишланган маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

ШИЖОАТ ВА МАРДЛИК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда Жамоатчилик кенгаши аъзолари, тарихчи олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар иштирок этди.

Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди раиси Н.Ҳабибуллаев, Темурийлар тарихи давлат музейи директори Х.Файзиев, Ўзбекистон халқ артисти Т.Мўминов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида халқимиз маънавиятини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар жараёнида Амир Темур мероси шижоат, мардлик ва адолат тимсоли сифатида юксак қадр ва эъзоз топаётганини таъкидлади.

Соҳибқирон қудратли давлат асосчиси, илм-фан, маданият ва маънавият ҳомийси, дунё цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк бунёдкор шахсдир. Улуғ аждодимизнинг Осиё ва Европа қитъаларидаги ўзгаришларга ҳал қилувчи таъсири наинки дунё тарихчи-олимлари, сиёсатчилари, ёзувчилари, балки ҳарбий илм мутахассисларининг ҳам диққат-эътиборини ҳали-ҳамон ўзига жалб этиб келади.

Мамлакатимиздаги таълим муассасаларида, маҳаллаларда, ҳарбий қисмларда Амир Темур ва темурийларнинг давлатчилик, илм-фан, маданият, бунёдкорлик ва бошқа соҳалардаги бой меросини ўрганишга бағишланган илмий анжуманлар, маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари мунтазам ўтказилмоқда. Зеро, бобокалонимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти, кучли ва обод мамлакат, адолатли жамият барпо этиш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, саховат, меҳр-оқибат муҳитини асраб-авайлаш, халқ фаровонлигини таъминлашга оид ғоя ва қарашлари бугун ҳам ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ўз ифодасини топмоқда.

– Соҳибқирон ҳаёти, пурмаъно ўгитлари ҳар биримиз учун ибратлидир, – дейди оддий аскар Ислом Сулаймонов. – Буюк бобомиз ўз тузукларида қайд этган "Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йиқар" каби ҳикматли сўзлари, теран маъноли кўрсатмалари, айниқса, ҳозирги глобаллашув замонида инсонни доимо ақл-идрок, ҳамжиҳатлик, илму маърифат асосида яшашга ундайди. Президентимиз раҳнамолигида Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган етук билимли, юксак маънавиятли ҳарбий хизматчилар тайёрлашга қаратилган изчил ислоҳотлар замирида Соҳибқироннинг ана шу даъвати мужассам.

Санъаткорлар ижросидаги қўшиқлар тадбирга байрамона кайфият бағишлади.

(ЎзА)

ХАЛҚИМИЗ ҒУРУРИ ВА ҚУДРАТИНИНГ ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тарихчи олимлар, темуршунослар, манбашунослар билан яқин ҳамкорликда "Амир Темур танбеҳлари", "Амир Темур", "Амир Темур сабоқлари" (1-, 2-, 3-китоблар), "Амир Темур ва темурийлар молия-пул сиёсати", "Амир Темур солномаси", "Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни" каби тарихий мавзудаги асарлар, илмий тўпламлар, альбомлар чоп этилди.

Соҳибқироннинг "Темур тузуклари" асари миллий давлатчилик тарихимизнинг ноёб манбаси сифатида қайта тикланиб, бир неча бор нашр қилинди. Ушбу китобнинг Амир Темур таваллудининг 675 йиллиги арафасида Юртбошимиз сўзбошиси билан мукаммал ҳолда янгидан чоп этилгани улкан тарихий воқеа бўлди.

Президентимиз "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарида муқаддас заминимизда таваллуд топиб, вояга етган, ўз ҳаёти ва фаолияти билан нафақат тарихда, айни вақтда башариятнинг бугунги тараққиёт саҳифаларида ҳам ўчмас из қолдирган буюк мутафаккир ва алломаларимиз, азиз-авлиёларимиз ҳақида сўзларкан, уларнинг энг буюк намояндалари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб бериш, бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини фарзандларимизга етказиш масаласи барчамиз, биринчи галда, зиёлиларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини таъкидлайди.

Корхоналар, ҳарбий қисмлар, таълим даргоҳлари ва маҳаллаларда Амир Темур даври, тарихи ва маданияти, Соҳибқирон давридан қолган илмий-маънавий, маданий мероснинг аҳамиятини кенг очиб беришга қаратилган турли тадбирлар, илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари, учрашувлар, конференциялар, кўргазмалар ўтказиш анъанага айланган.

2009 йилдан академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида мунтазам ўтказилаётган "Амир Темур" иншолар танлови, Амир Темур ва темурийлар ҳаёти билан боғлиқ расмлар кўриги ёшлар учун маҳорат синовига айланиш билан бирга, уларнинг қалбида улуғ аждодларимизга ҳурмат-эҳтиром, буюк тарихимиздан фахрланиш туйғусини шакллантирмоқда.

Темурийлар тарихи давлат музейи ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда тайёрланган "Амир Темур чет элликлар нигоҳида" китоб-альбоми, "Амир Темур қалбини ёритган нур", болалар учун Соҳибқирон ҳақидаги ҳикоялардан иборат "Буюк салоҳият соҳиби" китоблари нашр этилиш арафасида.

Амир Темур барпо этган қудратли салтанатнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-мафкуравий асосларини, Соҳибқироннинг давлат бошқаруви борасидаги улкан салоҳияти, маҳоратини ўрганиш бугунги авлодлар олдидаги энг муҳим вазифадир. Мамлакатимизда халқимиз фаровонлигини ошириш, фарзандларимиз ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиши учун барча шароитни яратиш, ёшларни жисмонан, ақлан ва маънан юксалтириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар улуғ бобомизнинг дунёқараши ва тутумларига моҳиятан уйғундир.

Дилшод КАРИМОВ
ёзиб олди

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан
чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх боскичма-боскич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари тақроран қўйилади:

I. Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, Шарқий томон, 13а-уй манзилида жойлашган бино қисми.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:

Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони – 1630 кв.метр.

Бошланғич нархи – 5 009 704 687 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси.

Фаолияти ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

II. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 38-уй манзилида жойлашган бир қаватли бинонинг ертўласи (ошхона).

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи:

умумий майдони 230 кв.метр:

Бошланғич нархи – 488 085 035 сўм.

Балансда сақловчи: Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти.

Фаолияти ихтисоси: Бинолардан фойдаланиш.

Савдо ташкилотчиси: "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2016 йил 25 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2016 йил 11, 26 май, 10, 27 июнь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; — аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй.

Маълумотлар учун телефон: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт: www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани ТСРЎИ томонидан 16.10.2015 йилда №011285-08 Реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "Maximum Results" МЧЖ (ИНН303470814)

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади. +99890 9027244

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига "Ansher Capital" МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, Қорасарой чорраҳаси 38-уй манзилида жойлашган, бинонинг умумий майдони 639 кв.метр бўлган, 1-қавати 196 кв.метр 5 та хона, 2-қавати 175 кв.метр 5 та хона, ертўласи 143 кв.метр 4 та хонадан иборат 2 қаватли бино қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 2 550 000 000 сўм.**

II. Аукцион савдосига "Binokor Sarmoya" МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, М.Улуғбек кўчаси, 56-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 1663 кв.метр бўлган, 1-қавати 900 кв.метр 21 та хона, 2-қавати 763 кв.метр 15 та хонадан иборат 2 қаватли бино қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 14 625 000 000 сўм.**

III. Аукцион савдосига "Usto Sarmoya" МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Аҳмад Дониш кўчасида жойлашган, бинонинг умумий майдони 3963 кв.метр бўлган, 4 қаватли бино қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 17 250 000 000 сўм.**

IV. Аукцион савдосига "Sogdiana Investments" МЧЖ шаклидаги хорижий корхонага тегишли, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Чуст кўчасида жойлашган, умумий майдони 2618 кв.метр бўлган, 1-қавати 634 кв.метр, 2-қавати 675 кв.метр, 3-қавати 688 кв.метрдан иборат 3 қаватли бино қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 10 875 000 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 16 май куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати – 2016 йил 13 май куни соат 18:00.

Кўчмас мулклар 2016 йил 16 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2016 йилнинг 13 июнь соат 12:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдо учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йилнинг 10 июнь куни соат 18:00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

— юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

— жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига 5 (беш) банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва шартнома тузилган кундан бошлаб 30 кун мобайнида мулк учун тўловларни тўлиқ тўлаш мажбурияти юклатилади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519 ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: (0371) 228-80-23. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

"CAPITAL REALTOR GROUP" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Capital Realtor Group" МЧЖда 2016 йил 26 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар тақроран қўйилмоқда:

I. Миробод туман СИБ томонидан, 2013 йил 19 февраль кунги 1-99-3-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қизил Арват кўчаси, 65-уйда жойлашган, умумий майдони 283 кв.м., фойдали майдони 76,15 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи 63 144 000 сўм.

II. Миробод туман СИБ томонидан, 2012 йил 17 ноябрь кунги 1-540/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Чехов кўчаси, 40-уйнинг ертўласида жойлашган, умумий майдони 20 кв.м. бўлган 24-сонли автомобилларни сақлаш жойи. Бошланғич нархи 27 662 550 сўм.

III. Миробод туман СИБ томонидан, 2012 йил 1 июнь кунги 2-26-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ 7-берк кўчаси, 10-уйда жойлашган, умумий майдони 202,07 кв.м., фойдали майдони 115,24 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи 152 981 991 сўм.

IV. Миробод туман СИБ томонидан, 2013 йил 19 февраль кунги 1-99-3-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси,10-уйнинг ертўласида жойлашган, умумий майдони 38 кв.м. бўлган 16-сонли автомобилларни сақлаш жойи. Бошланғич нархи 30 798 145 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси,10Б-уйнинг ертўласида жойлашган, умумий майдони 73 кв.м. бўлган 43- ва 45-сонли автомобилларни сақлаш жойлари. Бошланғич нархи 59 164 856 сўм.

3. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси,10-уйнинг ертўласида жойлашган, умумий майдони 38 кв.м. бўлган 15-сонли автомобилларни сақлаш жойи. Бошланғич нархи 30 798 145 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич нархининг 15% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда "Capital Realtor Group" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Телефон: 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 233-28-95.
Факс: (371) 232-11-39.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Тирикликнинг давомийлиги, инсоният, наботот, ҳайвонот оламининг тақдири, аввало, экологик софликка боғлиқ. Аммо афсуски, бугунги кунда табиатдаги ана шу экологик мувозанат кун сайин емирилмоқда. Шу боисдан эндиликда атроф-муҳит муҳофазаси – ҳаво, сув, тупроқ, ўсимликлар, ҳайвонларни асраб-авайлаш, уларнинг тури ва таркибларининг йўқолиб кетишига йўл қўймасдан, софлигича сақлаб, келгуси авлодларга етказиш дунё миқёсида умуминсоний масалага айланди.

ЭКОЛОГИЯ ВА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

Бугунги кунда республикада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича 30 га яқин муҳим қонунлар ва юзлаб қонуности норматив ҳужжатлари қабул қилинди. Концепция асосида ишлаб чиқилган ҳамда 2013 йилнинг 28 декабридан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонуни мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришларнинг муҳим бир босқичи ҳисобланади.

Бу борада мамлакатимизда чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, аҳолининг экологик саводхонлиги, маданиятини янада юксалтириш мақсадида кўплаб тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Тошкент Тиббиёт академиясида олиб борилаётган ишлар, ўтказилаётган давра суҳбатлари шулар жумласидандир.

Ўтказилаётган тадбирларда Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг ҳудудий бўлинмалари вакиллари, табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари мутахассислари, Тошкент Тиббиёт академияси олимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқда. Давра суҳбатларида бўлғуси тиббиёт ходимлари, яъни талабаёшлар эътиборини экологик муаммолар ва уларни бартараф этишга, шу орқали аҳоли соғлиғини яхшилашга қаратиш, атроф-муҳит мусаффолиги йўлида олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш масалаларига бағишланган муаммолар кўтарилмоқда. Шундай давра суҳбатларидан бири куни кеча ТТА тиббий-профилактика факультети талабалари ўртасида бўлиб ўтди.

Тадбирда соҳа мутахассислари сўзга чиқиб, ҳозирги кунда Давлат санитария-эпидемиологик назорати марказлари фаолиятининг энг муҳим йўналишлари тўғрисида тўхталиб, хусусан республикада санитария-эпидемиологик аҳвол ва радиация ҳолати мониторингини олиб бориш, келгусида аҳоли соғлигини мустаҳкамлашга, яшаш муҳити омилларининг инсонга зарарли таъсирини бартараф этишга, атмосфера ҳавоси, тупроқ, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимлик суви таъминоти манбалари ифлосланишининг олдини олишга қаратилган комплекс санитария-гигиена, эпидемияга қарши ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш; энг аввало, ўта хавфли юқумли касалликлар профилактикаси, уларнинг ўчоқларини бартараф этиш ва тарқалиб кетишининг олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, инсоният пайдо бўлибдики, барчамиз шу замин бағрида униб-ўсиб, вояга етмоқдамиз. Шундай экан биздан меҳрини аямай, бор бойлигини инъом этаётган табиатни асраб-авайлаш, келажак авлод ҳақида қайғуриш ҳар биримизнинг вазифамиз бўлмоғи керак.

Феруза САЛОМОВА,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Мусобақалар

ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШГА УНДАЙДИ

Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан спортнинг авиамодель турининг "Лайлак-Варрак" йўналиши бўйича Тошкент шаҳар очиқ биринчилиги мусобақаси ўтказилди.

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Шайхонтоҳур Ўқув СТК" унитар корхонаси иштирокида ўтказилган тадбирда пойтахт туманларидаги ўқув спорт техник клублари, "Баркамол авлод" болалар ижодиёт маркази ҳамда Сурхондарё вилоятидан вояга етмаган ўсмирлардан иборат жамоалар қатнашди.

Тадбирда сўз олганлар бугунги кунда давлатимиз томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, ёшларимизни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, маънавий ва жисмонан камол топтириш, спортга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, уларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб этишда муҳимлигини таъкидлаб ўтишди.

— Бугун ёшларга катта эътибор қаратилиб, мукаммал билим олишлари, қизиққан соҳалари билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти "Шайхонтоҳур Ўқув СТК" унитар корхонаси раҳбари Фахриддин Муҳсимов. — Спортга қаратилаётган алоҳида эътибор натижасида йигит-қизларимиз кўплаб ютуқларни қўлга киритишмоқда. Ёшлар ўртасида ўтказилган "Лайлак-Варрак" мусобақаси ҳам ана шу хайрли ишларнинг давомидир. Ўзбек халқи ўзининг қадимий анъаналари, урф-одатлари билан дунёга машҳур. Миллий ўйинларимиз ҳозирги кунга қадар севиб ўйналади. Ана шу қадриятларни янада мустаҳкамлаш ва оммалаштиришда бу каби мусобақаларнинг ўрни катта.

Мусобақа ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш, авиамоделсозлик спорт турини ривожлантириш, болаларда техник ижодиётга қизиқишни ошириш, ўсиб келаётган авлодни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, тўгарак ва секцияларга жалб этиш мақсадида ўтказилди.

Тадбир аввалида шартлар тушунтирилиб, ҳакамлар ҳайъати таништирилди. Ушбу шаҳар биринчилиги мусобақаси "Лайлак", "Варрак" ва "Қутсимон" тоифалари бўйича ўйналди.

— Қизиқарли тарзда ўтган мусобақада учинчи маротаба иштирок этдим, — дейди Республика олимпия заҳиралари коллежи ўқувчиси Ислом Мансуров. — Аввалги мусобақаларда биринчи ўринни эгаллаб, спортнинг авиамодель турига қизиқишим янада ортган. "Яккасарой Ўқув СТК" унитар корхонасидаги спортнинг техник ва амалий тури бўйича тўгаракка уч йилдан бери қатнашаман. Устозларим Алибек Болтабоев ҳамда Дмитрий Белоглазовларнинг саъй-ҳаракатлари билан мусобақаларда фахрли ўринларни эгалламоқдаман. Бундан ташқари спортнинг эшкак эшиш бўйича мусобақаларда қатнашиб келаман. Келгусида чемпион бўлиш истагидаман.

Ўзига хос тарзда ясалган варраклар ва уни энг юқорига учира олган ёшлар ва шу билан бирга жамоалар ҳам ғолиб деб топилди. Варрак йўналишида Ҳожиакбар Зуфаров, қутсимон йўналишда Алексей Шаталов, лайлак йўналишида эса Ҳожиакбар Ғафуровлар ғолиблар сафидан жой олишди. Жамоалар ўртасида эса "Ватанпарвар" ташкилоти "Юнусобод ЎСТК" 1-ўринни, ТСТ ва АТМ 2-ўринни, "Ватанпарвар" ташкилоти "Сергели ЎСТК" 3-ўринни эгаллашди.

Ғолиблар ва иштирокчиларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди. Шу билан бирга М.Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи томонидан ўйинғоҳлар учун бепул чипталар тарқатилди. Кўтаринки кайфиятда ўтган тадбир якунида "Ватанпарвар таронаси" ашула ва рақс ансамбли томонидан куй-қўшиқлар ижро этилди.

Айтиш жоизки, ушбу "Лайлак-Варрак" мусобақаси болаларни қалам ва чизғич ушлашга, улар қалбида учувчилик касбига меҳр уйғотадиган спорт тури ҳисобланади. Унда қатнашган ёшлар вақти келиб моҳир учувчилар қаторида бўлишса ажаб эмас. "Соғлом она ва бола" йилида ўтказилаётган мазкур спорт мусобақаси ёшларни янада соғлом фикрлашга, керакли фанларни яхши ўзлаштиришга, китоб ўқишга, изланишга ундайди.

Зиёда РАСУЛОВА



Аъло Абдуллаев олган сурат

Учтепа туманидаги 164-умумтаълим мактабида 3-9-синфлар ўқувчилари ўртасида Соғлом она ва бола йилига бағишланган интеллектуал марафон бўлиб ўтди.

ЁШ ИҚТИДОРЛАР БЕЛЛАШДИ

Бунда ўқитувчилар қизиқарли йўналишлар бўйича тест саволларини тузиб чиқишди ва 200 га яқин ўқувчиларнинг билимлари синовдан ўтказилди. Ўқувчилар марафон давомида география, тарих, иқтисодиёт, биология, ҳуқуқ фанларидан олган билимларини амалда намоён қилишди.

— Бундай мусобақалар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиб, уларни ўз устиларида ишлашга, турли йўналишлар бўйича билимларини оширишга ундайди, — дейди мактаб директори Нилуфар Раҳимбобоева. — Шу боис биз ўқувчиларга ўз ижодий маҳоратлари ва билим жиҳатидан иқтидорларини тўлиқ намоён этиш ва ифодалашга имконият яратиб беришга ҳаракат қилдик.

Учта ёш тоифаси бўйича ўтказилган билимлар синовида бошланғич синфлар ўртасида 1-ўрин 3а ва 3в синфлари ўқувчиларига насиб этди. Ўрта синфлар ўқувчилари баҳсида 1-ўринни 5а, 2-ўринни 6б, 3-ўринни эса 6а синфлари жамоалари қўлга киритди.

Юқори синфлар ўқувчилари ўртасидаги беллашувда 9б, 7а синфларига тенг келадиганлар топилмади.

Алоҳида билим ва малака эга бўлган ўқувчилар қаторидан 8а синф ўқувчиси Тимур Абдулин, 7а синфида таҳсил олувчи Шаҳноза Мирзаеваларни таъкидлаб ўтиш мумкин.

Шуни айтиш керакки, интеллектуал марафон фақат ўқувчиларнинг билим ва ижодий иқтидор даражаларини синаш эмас, балки истеъдодли ёшлар орасида тажриба алмашиш, уларнинг билим доираларини янада кенгайтириш, илм олишга интилувчан, қизиқувчан болаларнинг учрашуви ҳамдир.

Танлов якунида ғолиб ва совриндорларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Даврон ИСМОИЛОВ

"101"

ҲАР БИР ФУҚАРО МАСЪУЛ

Атроф-муҳит гўзаллиги, озодалиги инсонга ўзгача хуш кайфият бахш этади. Қишни интиқ бўлиб кутган майсалар баҳорда кўзни қувонтириб кўкка бўй чўза бошлайди. Ўз навбатида кўм-кўк бўлиб дилларга ором бахш этган майсалар ёзнинг иссиғидан қуруқ ўт деб номланувчи, ёнғинлар сонининг кескин кўпайишига сабаб бўлувчи омилга айланиб боради.

Аҳоли яшаш уйи, кўча майдонлари, масканлар атрофларидаги қуриган ўтларни тозалаш, йиғилиб қолганларни махсус ажратилган жойларга олиб чиқиб кетиш ўрнига осонгина ёқиб юборилади. Оқибатда эса арзимас бўлиб кўринган гулханлар, ўчирилмаган сигарета қолдиқлари, болалар шўхлиги оқибатида инсонлар тан жароҳати олиши, моддий зарар келтирувчи, катта талофатларга олиб келувчи ёнғинлар содир бўлади. Ёнғинларда нафақат моддий, балки атроф-муҳит об-ҳавосига зарарли таъсирлари, турли заҳарли газлар чиқиши, ёнган ўтлар ўрнини қора тусга кирган дилни хира тортишига сабаб бўлувчи ёқимсиз манзарага айланади.

Кундалик ҳаётимизда учраб турадиган бу каби кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлмаслиги учун ҳар бир фуқаро ўз яшаш уйларида унинг атрофларига жиддий эътибор қаратиб, шаҳримиз гўзаллиги, ободонлаштирилишига ўз ҳиссаларини қўшишлари фуқаролик бурчларига киради.

А.МУРОДБАКИЕВ,
Сергели тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, сержант

КУЛГУ СОҒЛИГИМИЗ ГАРОВИ

Биз ҳазил-ҳузулни, кулишни яхши кўрамиз. Бошқалар кулганда беихтиёр юзимизга табассум югуради, шунда ўз муаммоларимизни унутамиз. Кулгу – табиат инсонга ато этган табиий малҳам бўлиб, унинг қарши кўрсатмалари бўлмайди. Соғлом бўлишни истаган одам хандон отиб кулишни ўрганиши лозим.

Кулгу муолажаси ҳақидаги фан – геотология кулгунинг инсон физиологиясига ижобий таъсир кўрсатишини исботламоқда. Бугунги кунда бутун дунёдаги руҳшунослар кулгу ёрдамида даволаш амалиётини кенг қўлламоқда. Инсонлар кулишни ҳудди гапиришдек аста-секин ўрганишади. Чақалоқ ҳаётининг дастлабки 4-8 ҳафталари мобайнида онасининг кўзларидаги табассумни кўриб жилмайишга уринади. 2-3 ойга бориб, болакай нафақат жилмайишни, балки қиқирлаб кулишни ҳам ўрганади. 6 ёшга кирган болакай кунига тахминан 300 марта кулади, бу даврда унинг кулгиси қувноқ ва беғубор бўлади. Инсон улғая боргани сари кулгулар сони камаяди, аммо кунига камида 15 марта жилмаяди. Кулишларнинг камайиши эса касалликларга мойилликка олиб келади.

Мунтазам ақлий меҳнат билан банд бўлиб, тўлақонли дам ололмаяпсизми? Унда кулгу муолажасини синаб кўринг. 5 дақиқалик кулгу 40 дақиқалик дам олишнинг ўрнини босади. Агар тунда тўйиб ухламаган бўлсангиз, шунчаки бир тўйиб кулиб олинг! Чунки чин дилдан, хандон отиб кулиш 80 та мушаклар гуруҳини бўшаштиради.

Ишингиз кун бўйи ўтиришни тақозо этгани сабабли ҳам спорт билан шуғулланишга вақтингиз йўқми? Унда кулинг! Қаҳ-қаҳ отиб кулганда худди спорт машғулотларида бўлганидек юрак уриши тезлашади, қондаги холестерин миқдори пасаяди, ички секреция безлари эса бош оғриғини босувчи модда ишлаб чиқаради. Бир минутлик кулгу муолажасини 25 минутлик аэробика машғулотларига тенглаштириш мумкин! Бу эса баъзи сабабларга кўра қамҳаракат бўлган инсонлар учун, айниқса, қулайдир.

Косметологга боришга шароитингиз йўқми? Кулинг! Кулиш жараёнида юздаги қарийб барча мушаклар иштирок этиб, терининг таранглиги ортади, бу эса ташқи қиёфани яхшилайди.

Очиғини айтганда, кулгунинг ўзи нафас олиш гимнастикасидир. Кулгунинг ҳамма турлари тана аъзоларини даволайди. Айтайлик, паст овозда "хо-хо"лаб кулиш — қорин бўшлиғи аъзолари ишига таъсир қилади, "ха-ха"лаш — юрак ишини кучайтиради, баланд овозда "ҳи-ҳи"лаб кулиш эса миядаги қон алмашинуви ва томоқ учун фойдалидир.

Кулгу бизни турли касалликлардан даволабгина қолмай, яна хизмат мавқеимиз ошишига ҳам ёрдам беради. Мутахассисларнинг фикрича, кулгу ижодий қобилиятни 57 фоизга оширади, меҳнат фаолиятимиз самарадорлиги эса 54 фоизгача кўтарилади. Юзидан табассум аримайдиган инсонлар хизмат пиллапояларидан тезроқ кўтариладилар.

КАЙФИЯТНИ КЎТАРУВЧИ ОЗИҚ-ОВҚАТЛАР

Кўк нўхат. Хушхўр бу маҳсулот Е витамини ва темир моддасига бой. Айнан шу моддалар етишмайдиган одамлар руҳий тушкунликка мойил бўлишади. Уни турли таомларга солиш мумкин.

Товуқ ва курка гўшти. B_6 витамининг бой манбаи бўлган бу маҳсулотлар кайфият кўтаради. Парранда гўшти турли таомлар таркибига киритилиши, димланган ёки қайнатилган бўлиши мумкин.

Банан. Севимли мевамизни излаб Африкага боришимиз шарт эмас. Айни кунда кайфиятни кўтариб, куч-қувват бағишлайдиган бу мева бозорларимизда сероб ҳамда чўнтакбоп.

Ва, албатта, шоколад! Миллионлаб одамларнинг севимли шоколадларини тайёрланадиган какао қўзоқлари юрак учун фойдали бўлган магнийга бой. У кайфиятни кўтаради ва қўрқувни йўқотади.

Азизбек НИЗАМОВ,
Тошкент шаҳар саломатлик ва тиббий статистика институти директор ўринбосари

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **8 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғади. Шарқдан ғарбга томон секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи — 16-18 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **8 апрелда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9221
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 455
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10372 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 14.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ